

Хурматли
йиғилиш қатнашчилари!

“Асака” банки 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларни ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли қарорини ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори талабларини ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишларни амалга оширди ва қуйидаги кўрсаткичларга эришди.

Асосий кўрсаткичлари

2016 йилнинг 1 январ ҳолатига банкнинг жами активлари **7,4 трлн.сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан (**5,4 трлн.сўм**) **37,6%** га ўсган. Даромад келтирувчи активлар **5,6 трлн. сўмни** ташкил қилиб, умумий активларни **76,3%** ташкил қилди.

Банк капитали жами 915,7 млрд. сўмга етказилиб, ўтган йилга нисбатан (**801,7 млрд. сўм**) **14,2%** га ўсган.

Банкнинг устав капитали ўтган йилга нисбатан (504,5 млрд.сўм) 2,3% ўсиб, 516,1 млрд.сўмни ташкил қилди.

Банк даромадининг умумий миқдори 829.2 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига (**693,9 млрд.сўм**) нисбатан **119,5%** ошган.

Банк фойдаси 85,2 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилга (**77,9 млрд.сўм**) нисбатан **109,3%**га ошган.

Кредит қўйилмалари

Жами кредит қўйилмалари 3.42 трлн. сўмни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан **124,2 фоизга** ўсган (**2.75 трлн.сўм бўлган**).

Кредит қўйилмаларнинг 375.5 млрд. сўми (кредит портфелни **11,0%**) қисқа муддатли кредитлар ва **3.05 трлн. сўми (89,0%)** узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

2015 йил давомида банк томонидан жами **1.2 трлн. сўм** миқдорида инвестиция кредитлари ажратилган.

2016 йил 1 январ ҳолатига инвестицион кредитлар бўйича қолдиқ **2,61 трлн. сўмни** ташкил

қилди.

Банк кафолатлари ва аккредитивлар

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида **234,5 млрд.сўм** миқдоридаги **91 та банк кафолатлари** берилган, очилган аккредитивлар бўйича қолдиқ **859,4 млрд.сўмни** ташкил қилди.

Узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги “2015 йилги Давлат инвестиция дастури” тўғрисидаги ПҚ–2264-сонли қарорига мувофиқ Банк томонидан Жаҳон банки Халқаро Ривожланиш Ассоциациясининг “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” бўйича **8,0 млн. АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларни жалб қилиниши режалаштирилганди.

Жаҳон банки Халқаро Ривожланиш Ассоциациясининг “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” линияси бўйича **5та** лойиҳани молиялаштирилиши тўлиқ очилди (**Мубарек ГПЗ, Шуртаннефтеганз УШК – 2 та лойиҳа, Муборакнефтегаз УШК- 2 та лойиҳа**).

Жами **10,93 млн.АҚШ доллар** миқдоридаги маблағлар жалб қилинди ва ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, бугунги кунда банк томонидан **2015 йилги** инвестиция дастури доирасида **5 та** лойиҳа бўйича **703,5 млрд.сум** миқдорида кредит маблағлари ажратилган (**“Пластекс” ҚК МЧЖ, “Оникс Ташкент” МЧЖ, “НАВОИАЗОТ” АЖ – 2 та лойиҳа ва “Резинатехника махсулотлари заводининг қурилиш бўйича дирекцияси” МЧЖ**).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги “2013-2015 йилларида Хоразм вилоятида саноатни ривожлан тириш дастури тўғрисидаги” ПҚ-1856-сонли ва 2014 йил 17 ноябрда ги “2015 йилга Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2264-сонли Қарорларига мувофиқ **“Hazorasp Textil” МЧЖга** янги технологик ускуналар сотиб олиш ва жихозлаш орқали ишлаб чиқаришни модернизация қилиш белгиланган. Бунга кўра, жами инвестиция миқдори **25,9 млн. АҚШ доллар**, бугунги кундаги валюта курсини ўзгариши натижасида 2015 йилда **20,9 млн. АҚШ доллар** миқдорида инвестиция киритилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунгача Банк томонидан **14,5 млн. АҚШ доллар** эквиваленти миқдорида инвестиция киритилди. (*6,4 млн.АҚШ доллар қолди*)

Шу муносабат билан корхонага янги технологик ускуналарини сотиб олиш мақсадида "Rieter Machine Works Ltd" (Швейцария) компанияси билан **12,3 млн. АҚШ. доллар** миқдорида ва "Reiter Uzbekistan" МЧЖ ҚҚ билан **4,0 млрд.сўмлик** шартномалар тузилди.

"Rieter Machine Works Ltd" (Швейцария) билан тузилган шартнома бўйича бугунги кунгача **6,97 млн АҚШ доллар** миқдорида маблағ конвертация қилинди ва ушбу суммага аккредитив очилди. Компания томонидан ускуналарнинг бир қисми корхонага етказиб берилди.

"Reiter Uzbekistan" МЧЖ ҚҚ билан тузилган шартнома бўйича **100 фоиз** миқдорида, яъни **4,0 млрд.сўм** миқдорида тўлов амалга оширилди. Ушбу шартномалар бўйича ускуналарни етказиб бериш ишлари олиб борилмоқда.

Корхонада қурилиш ишларини бажариш учун ўтказилган тендер натижасига кўра, "Қурилиш Бинокор Шуманай" МЧЖ билан 3.04.2015 йилда 14,5 млрд. сўмлик пудрат шартномаси тузилган. Пудрат шартномасига асосан, "Қурилиш Бинокор Шуманай" МЧЖ томонидан ишлаб чиқариш цехларида демонтаж ишлари бажарилган бироқ,

тўлов амалга оширилмаганлиги сабабли қурилиш таъмирлаш ишлари вақтинча тўхтатилган.

"Асака" банк томонидан корхона устав фондини ошириш учун (18,3 млрд.сўм) тайёрланган хужжатлар банк Кенгаши томонидан кўриб чиқилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун 2015 йилда 1,2 трлн. сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари ажратилди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **129,6 фоизни** ташкил этди (йиллик режа **100 фоизга** бажарилди);

Ажратилган микрокредитлар ҳажми 74,8 млрд. сўмни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **129 фоизни** ташкил қилди. Ўрнатилган режага нисбатан **100 фоизга** бажарилди;

Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 100,1 млрд.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **129 фоизни** ташкил этди (режа **101 фоизга** бажарилди);

ЎзР. Президентининг ПҚ-1047-сонли қарори

га асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга **258,0 млрд. сўм** миқдоридан кредитлар ажратилган, Марказий банк томонидан белгиланган режа **100 фоизга** бажарилган.

ЎзР. Президентининг ПҚ-1050-сонли қарори га асосан ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга **235,7 млрд.сўмдан** ортиқ кредитлар ажратилди ва Марказий банк томонидан белгиланган режа **101 фоизга** бажарилди.

Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар ҳажми **12,0 млрд.сўм бўлиб**, Марказий банк томонидан белгиланган режа **100 фоизга** бажарилган, шунингдек, Таълим муассасалари битирувчиларига ажратилган кредитлар ҳажми **11,5 млрд.сўмни** ташкил этди ва режа кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилди..

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2015 йилда “Асака” банк томонидан жами ажратилган кредитлар ва молиялаштирилган лойиҳалар эвазига 18 870 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Лизинг амалиётлари

2016 йил 1 январ ҳолатига лизинг амалиётлари ҳажми **49,9 млрд. сўмни** ташкил қилиб, **49 та** хўжалик субъектига кўрсатилган лизинг хизматлари натижасида **501 тадан** ортиқ янги иш ўринлари яратилган.

Банк депозитларини кўпайтириш бўйича ишлар

Ҳисобот санасига жисмоний ва юридик шахсларнинг **банкдаги жами депозитлари миқдори 4,67 трлн. сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан **1,16 трлн. сўм ёки 33% га** кўпайган.

Аҳоли омонатлари қолдиқлари **599 млрд. сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга (**491 млрд.сўм**) нисбатан **108 млрд. сўмга** ёки **122%** кўпайди. Муддатли омонатлар **418 млрд.сўмни** ташкил этиб, ўтган йилга (**345 млрд.сўм**) нисбатан **73 млрд. сўмга** ёки **121%** ортди. Банк бўйича жами **44 та** омонат тури мавжуд бўлиб, шундан **27 таси** миллий валютадаги ва **17 таси** хорижий валютадаги омонатлардир.

Омонатчилар сони **1 634 мингта** (п/к 1 544 мингта) етди. Ўтган йилнинг шу даврида омонатчилар сони **1 420 мингта** (п/к 1 359 мингта) бўлган. Ёки ўтган йилга нисбатан омонатчилар сони **214 минг тага** (п/к 185 мингтага ва 29 мингтага бошқа омонатлар) кўпайган.

Пул муомаласи бўйича ишлар

2016 йил 1 январ ҳолатига банк филиалларига жами **2,92 трлн. сўм** нақд пул маблағлари кирим қилинган. 2015 йил мобайнида банкнинг савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи мижозлари томонидан **2,4 трлн.сўмлик** тушум бўлган.

Савдо ва пуллик хизматдан **329 млрд.сўмлик** нақд пулда тушум бўлган. Ўтган йили шу давр мобайнида **325 млрд. сўм** тушум бўлган, ёки **4 млрд сўмга** ортган (101%). Пластик карточка орқали **1,5 трлн. сўмлик** тушум бўлган. Ўтган йилда **1,13 трлн. сўм** пластик карточка орқали тушум бўлган, ёки **367 млрд. сўмга** ортган (132%).

Коммунал хизматлар бўйича 2015 йилнинг 1 январ ҳолатига **109.9 млрд. сум** тушум бўлган бўлса, 2016 йил 1 январ ҳолатига **111.9 млрд. сум.** тушум бўлган ёки **2 млрд.сумга** кўпайган.

Бошқа тушумлардан - солиқлар, омонат, ўқиш пуллари (валютада сотувидан ташқари) **358 млрд. сўм** нақд пулда тушум бўлган. Валюта сотувидан **44 млрд. сўм** тушган. Ўтган йилнинг шу даврида эса **53 млрд. сўм** тушум бўлган.

Пластик карточкалар бизнесини ривожлантириш бўйича ишлар

Банк томонидан жами **1 647 334 дона** пластик карточкалари муомалага чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **189 379 тага** кўпайган.

Банк томонидан **10 311 та** терминал ўрнатилди, шундан **9 300 таси** савдо терминали, **223 таси** коммунал тўловлар қабул қилиш учун, **509 таси** банклар, минибанклар ва махсус кассаларга ва бошқаларга ўрнатилган.

Пластик карточкалар орқали амалга оширилган савдо айланмалари хажми **1,8 трлн.сўмни** ташкил қилди. Савдо айланмалар хажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **22.4%га** ёки **326.7 млрд. сўмга** кўпайган. Коммунал тўловлар хажми **74,0 млрд. сўмни** ташкил қилди.

Банк тизимда **27 та** банкомат ва **46 та** инфокиоск аҳолига ва банк мижозларига хизмат кўрсатиб турибди.

Банкнинг рейтинг кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорни бажариш мақсадида «Асака» банк мустақил халқаро

рейтингини олиш учун бир қатор чораларни амалга оширган.

Жумладан, 2015 йил 22 январда «**Moody's Investors Service**» халқаро рейтинг агентлиги «Асака» банк рейтингини тасдиқлади ва барча рейтинглар истиқболи **«БАРҚАРОР»** деб топилди.

2015 йил 27 июлда «**Fitch Ratings Ltd**» халқаро рейтинг агентлиги «Асака» банкининг тўловга қобилиятлигини **«БАРҚАРОР»** деб тасдиқлади.

Хозирги кунда «Асака» банк «**Standard & Poor's**» халқаро рейтинг агентликлари билан ҳам ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

Банк балансига қабул қилинган банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва уларни янги инвесторларга сотиш бўйича ишлар

Банк балансига қабул қилинган банкрот корхоналар ва мулкӣ мажмуаларнинг умумий сони **49 тани** ташкил этиб, шундан **16 та** банкрот корхоналар негизда банкнинг **14 та** шўъба корхонаси ташкил қилинган.

Ташкил этилган Банк корхоналарига жами **61,7 млрд. сўмлик** инвестиция, шундан, **59,7 млрд. сўм** пул маблағлари, **1,5 млрд. сўм** қурилиш монтаж

ишлари, **0,4 млрд. сўм** зарурий эҳтиёт ва бутловчи қисмлар кўринишида киритилди.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига Банк балансидаги **49** та корхонадан **46 таси** янги сармоядорларга **331,9 млрд. сўмга** сотилган. Шундан **138,9 млрд. сўмлик** (40%) банк ҳисобрақамига келиб тушган, **52,7 млрд. сўмлик 16 та** корхона ва мулкӣ мажмуа (**19 та** олди-сотди шартнома) бўйича мажбуриятлар сармоядорлар томонидан тўлиқ бажарилган. **3 та** сотилмаган корхоналарнинг **1 тасини** Тошкент шаҳар хокимлиги балансига ўтказиш ва **2 тасини** ишлаб чиқаришини йўлга қўйиб, молиявий ҳолатини яхшилаб кейин сотиш чоралари кўрилмоқда.

Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган банкрот корхоналарда 2010-2014 йиллар давомида жами **389,6 млрд. сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқарилди ва **50,9 млн. АҚШ долларлик** маҳсулот экспорт қилинди.

2015 йилда фаолияти тикланган банкрот корхоналарда **53,5 млрд. сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқарилди ва **8,7 млн. АҚШ долларлик** маҳсулот экспорт қилинди.

Банк корхоналари ва янги инвесторга сотилган **48 та** мулкӣ мажмуалар негизда **4109** нафар иш ўринлари яратилган.

Эътиборингиз учун раҳмат!